


ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

* * * № 6 (185) * * * 2010 YIL, İÜNY * * *

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MART DAN CHIQA BOSHLAGAN

Универсиада-2010: Чатижалар, Сабоқлар, Режалар

Андижон шаҳрида уч кун давом этган ёшлик, гўзаллик ва камолот байрами – "Универсиада-2010" спорт ўйинлари қатнашчиларга олам-олам кувонч ва улкан таассуротлар тухфа эти.

Президентимизнинг мазкур спорт ўйинлари иштирокчилигига "...Юртимизда шаклланган, "Умид николлари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли ноёб тизимнинг бамисоли кудратли тўлкинга айланаб, миллион-миллион болаларимиз ўз сафига камраб олаётгани, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб улгайни учун хизмат қиласётганини мамнуният билан тъвидлаш лозим. Айниқса, бу тизимнинг юкори босқичи бўлган Универсиада мусобақалари ёшларимиз учун том маънода чиниши ва камолот мактабига айлангани эътиборлидир", дега алоҳида қайд этилган.

Дарҳақиат, Ватанимиз келаҳаги бўлган ёш авлодни она-юрга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган мазкур тизимнинг нуғузи йилдан-йилга ошиб бораётир. Бошқачароқ қилиб айтганда, эндилиқда ушбу спорт ўйинларининг яхлит механизми яратилди. Унинг ёшларни камраб олиш дараҳаси ҳам кенгаймоқда.

Бундан ўн йил муқаддам Намангандан шаҳри мезбонлик қилган мазкур спорт ўйинларида талаба-ёшлар спортнинг 9 тури бўйича голиблик учун кураш олиб борганди. Шаҳри саралаш босқичида 50 минг нафар талаба иштирок этганди. Бу сафар саралаш мусобақаларида қатнашган спортчи-ёшлар сони 150 минг нафардан ошири кетди.

Талаба-спортчиларнинг мусобақаларга пухта тайёргарлик кўргани, тажриба ва маҳоратни ошириш борасида тинимсиз машқ қилгани, ғалабага интилиши беллашувларнинг мурасасиз ўтишини, аввали мусобақалардаги кўрсаткичларнинг сезиларни даражада янгиланишини таъминлади.

Баҳсларда Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 1800 нафарга яқин йигит-киз спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашди. Мусобақалarda жиззахлик ёш спортчи талабаларимиз вилоятимиз шарафини химоя килдилар.

Мазкур мусобақада Жиззах Давлат педагогика ва политехника институтлари талабаларидан ташкил этилган вилоятимиз терма жамоаси ўз тенгдошлари билан куч синашиди. Вакилларимиз спортнинг футбол, шахмат, енгил атлетика, белбоғи кураш, дзю-до ва сузиш, тенисс турлари бўйича кувонарли ютукларга эришдилар.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, 2005 йилда Францияда

ҳамда 2007 йилда Туркияда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг бронза медаллари соҳиби, 2006 йилда бўлиб ўтган "ЧехОлен" халқаро турнири голиби, халқаро ФИДЕ устаси, бир неча халқаро мусобақалар голиби Юлдуз Хамроқулова шахмат бўйича барча тенгдошларидан маҳоратли эканлигини яна бир карса намойиш этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Жиззах политехника талабаси Ҳасан Каримов сузиш бўйича бронза медали соҳиби бўлди.

Институтимиз вакилларидан енгил атлетикачи Павел Вдовенко ва белбоғи кураш бўйича Ойбек Бердимуродовлар шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан ўрин олиб, кумуш медал эгаси бўлган бўлсалар, дзю-до бўйича Жамол Бурҳонов, сузиш бўйича Гузалия Нуғумановлар бронза медалини кўлга киритдилар.

Жиззах вилоятининг футбол командаси умумжамоа ҳисобида 4-ўринга сазовор бўлди.

Эришилган ғалабаларда устоз – мураббийлар Абдурасул Курбонов, Кобил Турсунов, Баҳриддин Бўрибоев, Фурқат Аҳмедов, Баҳтиёр Султонов, Акрамжон Абдулаҳатовларнинг муносиб улушлари бор.

Ҳа, мусобақалар поёнига етди. Спортчи талабаларимиз қадрдан институтлари бағрига эсон омон қайтилар. Аммо сўлим Андижоннинг "Софлом авлод" ўйингоҳида ўтказилган беллашувлар, шу билан бирга турли олий ўқув юртларидан ташриф буюрган ёшларнинг дўстона учрашувлари бир умр э��да қолади. Универсиада мусобақаларида бирдамлик, дўстлик, ёшлик ва гўзаллик голиб чиқди.

— Мени Андижон шаҳри ўзига мафтун қилди, — дейди хорижий тиллар факультети 1-босқич талабаси, сузиш бўйича бронза медалига сазовор бўлган Гузалия Нуғуманова, — насиб эта селаси "Универсиада" да қатнашиб, чемпион бўлиш орзум бор. Навбатдаги мезбон-тарихий Бухоро шаҳри бўлади. Мусобақаларга эса ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриб боришни ва юкори шоҳсупага чиқиши ният қилдим...

Енгил атлетикачи Павел Вдовенко ўз таассуротларини гапириб бераркан, шундай деди: — Жиззах вилоятни хокимлиги, хомий ташкилотларга миннатдорчилик билдираман. Айни пайтда биз талаба-ёшларга яратиб бериладиган шароитлар учун институтимиз раҳбариятига, устоз ва мураббийларимга раҳмат.

Кўп сонли газетхонларимиз ва институт жамоаси номидан голиб спортчиларимизни чин қалдан табриклимиз ва уларнинг bundan кейинги фаолияти янада самарали бўлади; деб умид қиласмиз.

Ўз мухбиришимиз.



ОЛИМПИАДА БИЛИМДОНЛАРНИ АНИҚЛАДИ

Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрликлар туфайли иске таъдодли ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётпти. Уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш ва кўллаб-куватлашда мунтазам ўтказиб келинаётган фан олимпиадалари, симпозиумлар, мусобақалар,

турли кўрик-танловлар муҳим аҳамият касб этиёт.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазириининг "Олий таълим миассасаларида 2010 йил талабалар республика фан олимпиадасини ташкил килиши ва ўтказиш ҳақида"ги буйруғига

асосан Республикаининг олий таълим миассасаларида фан олимпиадаси II босқичи мудафакиятли ўтди. Институтимизнинг иқтидорли талабалари ҳам яқунловчи босқичда фаол қатнашдилар ва фаҳрли ўринларни олишга мудафак бўлдилар.

ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Институтимизнинг мәданият саройида талабалар ва профессор-ўқитувчилар Жиззах вилоят ҳокимлигининг "Жиззах ҳақиқати" ҳамда "Джиззакская правда" газеталари ижодий ходимлари билан учрашув ўтказдилар.

Учрашувни институт ректори, профессор О. Дўсматов кириш сўзи билан очди. "Жиззах ҳақиқати" ва "Джиззакская правда" газеталарининг бош мухаррири С. Сафаров, газетанинг бош мухаррири ўринбосари У. Даминов, масъул котиби А. Каюмов вилоят газетаси ижодий ходимларининг 36 йиллик босиб ўтган йули, жамоатчилик фикрини ўйготишда таҳририятнинг ўзига хос тажрибалари, журналистларнинг ижодий режалари ҳақида ахборот бердилар. Айни пайтда институт профессор-ўқитувчилари ва ижодкор талаба-ёшларнинг газета таҳририяти билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, вилоятимиз ойнаси хисобланган газеталар мазмун-мундарижасини бойитиш ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Матбуот ва Оммавий ахборот восита-лари ходимлари байрами арафасида ўтказилган мазкур учрашув иштирокчиларда яхши таассурот колдириди.

Ўз мухбиришимиздан.

ФОЛИБЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика фан олимпиадаси II босқичда фаҳрли ўринларни эгаллаган институтимиз талабалари ҳақида маълумот

№	Талабанинг исми, отасининг исми	Тугилган сана	Факультети, курси	Илмий раҳбари	Эгаллаган ўрни
КИМЁ ФАНИ БЎЙИЧА					
1.	Ражабов Одил Оқил ўғли	16.06.1988 йил	Табиатшунослик факультети, 3-курс	Ш. Шарипов, кимё фанлари номзоди	1-ўрин
БИОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА					
2.	Акрамов Давлат Ҳимматкулович	01.04.1987 йил	Табиатшунослик факультети, 4-курс	Д. Муҳаммадиев, ўқитувчи	2-ўрин
ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА					
3.	Ёриев Аббос Абдураҳимович	14.04.1988 йил	Физика-математика факультети, 3-курс	Ш. Дониёров, физика-математика фанлари номзоди, доцент	2-ўрин
МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИ ФАНИ БЎЙИЧА					
4.	Ҳамроев Шерзод Абдураҳимович	07.06.1984 йил	Физика-математика факультети, 3-курс	С. Убайдуллаев, техника фанлари номзоди, доцент	2-ўрин
МУСИКА НАЗАРИЯСИ ФАНИ БЎЙИЧА					
5.	Дўстмуҳаммадова Гулҳаё Дўстмуҳаммадовна	09.10.1990 йил	Педагогика факультети, 3-курс	И. Кудратов, педагогика фанлари номзоди, доцент	3-ўрин
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СПОРТ НАЗАРИЯСИ ФАНИ БЎЙИЧА					
6.	Аҳмедов Фарруҳ Шавкатович	04.10.1986 йил	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети, 3-курс	Ф. Қ. Аҳмедов, жисмоний тарбия фани ўқитувчisi, педагогика фанлари номзоди	3-ўрин

2010 йил - йаркамол авлод йили

ИСТИҚЛОЛ ЭГАЛАРИ - ЁШЛАРДИР!

Дунёдаги энг беғубор, дили пок, жамиятнинг кичик аъзолари бу - болалардир. Бир оғиз илиқ сўздан уларнинг кўнглиги төгдек кўтарилиб, салгина дилхизлардан кўнгиллари вайрон бўлади. Баъзан катталар эътиборсизлик килиб, кичкингойларни ноўрин ранжитиб қўядилар. Арзимас шўчликлар учун қатиқкўйлик билан жазолайдилар. Тўғри, фарзанд тарбияси учун ота-она, ўқитувчи, тарбиячилар жавобгардилар. Бироқ керак бўлганда кўлланадиган жазо чоралари меъеридан ошиб кетмаслиги лозим. Кейин минг афсус, пушаймон килгани билан хеч нарса ўнрига тушмади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Инсон хукуклари умумжоҳон декларацияси" да болалар алоҳида Гамхўрлик ва ёрдам хукуқига эга эканликлари, соғлом ва ҳар томонлами етук бўлишлари, камолга этишлари, БМТ Низомида эълон қилинган гоялар-чинчиклар, қадр-киммат, сабр-тоқат, эркинлик, тенглик руҳида тарбияланишлари лозимлиги, жаҳондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ва улар ҳам эътиборга муҳтоҳ эканликлари таъкидланган. Мана шунинг учун ҳам 1989 йилда БМТ томонидан "Болалар хукуклари тўғрисидаги Конвенсия" қабул қилинди. Ушбу Конвенсияни 1992 йили ўзбекистон Республикаси расман тан олди.

Ўзбекистонда жамиятнинг маданий-маънавий кўйфасини шакллантиришнинг яна бир муҳим жиҳати оналар ва болалар соғлигини сақлаш, соғлом авлод тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида иш олиб боришнинг самарали, замонавий йўлларини топишидан. Бу борада ҳам Ўзбекистоннинг ўйўли шаклланиб бормоқда. Юкорида айтиб ўтилганидек, тарбия, аввало оиласдан бошланади. Оиласдан мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлсангина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Бу эса ўз навбатida маънавий ва руҳий муҳитнинг соғломлиги, ислоҳотлар муввафқияти учун замин яратди. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда оиласдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилалайти. Республикасим мустақилликка эришгач, фуқаролар дахлислигини таъминлаш, оиласа, оналар ва болалар муаммоларини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Улуғ бобомиз Улоғ Наср Фаробий: "Агар инсон эзгулика интилиб яшаса, унинг умри кувончилини ва гўзал кечади, гўзлал хәёт эса ҳалқ назарида ҳам, худо назарида ҳам юксакдир", деган эдилар. Муқаддас юртимизда янги давлатчиликка пойдервон кўйилаётган илк кунларданоқ раҳбариятимиз ана шу ҳикматга амал кильмоқда дессан, менимча, янглишмаган бўламиз. Шу боисдан ҳам ислоҳотлар ҳалқ руҳияти, унинг маънавий эҳтиёжлари, кундаклик турмуш тарзидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Ҳалқимиз ўз ҳокимиюти, ўз

давлатига ишонч ва хурмат билан бормоқда. Чунки ҳалқ ўз тақдирини, фарзандлари истиқболини давлат истиқболи билан уйғун ҳолда кўрмоқда. Давлатимиз сиёсатининг жуда катта маънавий кудрати ҳам шундадир. Аҳолининг кўпчилиги ёшлар ва болалардан иборат бўлған мамлакатда кучли ижтимоий муҳофазаси ислоҳотчилик фаолиятининг етакчи йўналишларидандир. Шу туфайли ислоҳотларга маънавий тус бермасдан, одамлар психологиясини ўзгартирмасдан туриб, кўзлантган мақсадга эришиш қийин. Хукуматимизнинг ҳалкни иктисодий бўёнлардан эсон-омон олиб чиқиш юзасидан ибратли ишларни амалга оширгани эътирофларга сазовордир. Мамлакат ва миллат истиқболи учун биз ёшлар ҳам ўзимизнинг муносиб хиссасини қўшишимиз керак.

Президент И. А. Каримов томонидан "Софлом авлод учун" ордени таъсис этилганда шундай деб таъкидлаган эдилар:

"Бизнинг вазифамиз-ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда бангфурушишка, жиноятчиликка қарши олиб бориладиган шафқатсиз курашни аввалим порол келажагимиз учун кураш деб биламан. Соглом авлод ёхуд барқамол авлод деганда биз факатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутамиз. Чунки ҳар томонлами соғлом ва барқамол авлодга эга бўлган ҳалқни ҳеч қаҷон енгиг бўлмайди."

Бинобарин, 2010 -йил мухтарам Президентимиз томонидан "Барқамол авлод йили" деб эълон қилинди. Бу эса бизга, биз ёшларга бўлған катта эътибор, иззат, меҳр-мурувватни кўрсатади. Зоро, ҳар йили ҳар бир йилин ўзига хос номлар билан аталиши ҳам бежиз эмас. Бизга берилган имкониятларни, бизга билдирилган ишончи оқлашимиз, ватанимиз учун аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлмоғимиз лозим.

Оддимизда турган мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамият куриш, руҳий маънавий жиҳатдан соғлом ва барқамол бўлмоғимиз, қандай интеллектуал кучларга эзалигимизга, ёшларнинг билан олиш имкониятни оширишга кодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Бизга берилётган имкониятлардан фойдаланиб, юртимиз нуғузини бутун дунёга ўйинимиз ва бунинг учун етук фарзанд ва юксак маънавият эгаси бўлмоғимиз лозим. Зоро, юксак маънавият-енгилмас кучдир.

Махлие ИСЛОМОВА,
инглиз тили ва адабиёти йўналиши
108-гурух талабаси.

«Талабанинг бўш вақти» мунозарасини давом эттирамиз

Талабалик-инсон ҳаётида унтилмас онларга бойлиги, мазмундорлиги билан ажralиб турадиган, берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб билим олиши, хунар эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши замин бўлувчи даврdir.

Олтинга киёс қилинувчи бу лаҳзалардан талабалар қандай фойдаланишмоқда? Институтда талабаларнинг бўш вақтларини мақсадли йўналтириш учун қандай ишлар олиб борилмоқда?

Тарих факультетининг 3-босқич талабаси Шерали Пардаев:

Мен дарсларга фаол қатнашиш билан бир каторда бўш вақтларимдан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат киламан. Бадий китоблар, шу жумладан ижтимоий, сиёсий, тарихий журналларни ўқийман. Китоб инсон ички дунёсининг ўсишида, терён фикрлашида муҳим аҳамиятлариди.

Ўзбек филологияси факультети 3-босқич талабаси Кодириддин Кўрмонов:

Мен дарсдан кейин бўш вақтларимда устаси

эгаллашга жуда чанқоқ. Шу сабабли талаба қизларнинг бўш вақтларидан оқилона фойдаланиш, уларда ишбилиармонлик кўниммаларини шакллантириш, меҳнатга қизикиш ўйтоши ва бекорчилиқдан келиб чиқадиган салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида

ўндан зиёд хунар бўйича институт кошида тўғраклар ташкил қилинган. Бу тўғракларда талаба қизлар келажакда оила моддий базасини яратиш учун ҳам вақтларини бой бермай фойдаланиб иш билан шуғулланмоқдалар. Хозиргача мингдан зиёд талаба қизлар хунар ўрганиб, диплом билан бир каторда кўшичча хунар бўлиб сертификатга ҳам эга бўлдилар. Бу институт талаба қизларига берилган имкониятдир.

Институт хотин-қизлар кенгаши раиси Зиёда Абдувалиева:

Талаба қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Эрта турмушга чиқиш талаба қизларнинг ўкишига ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатётганлигининг гувоҳи бўлаётганлигимиз сабабли соҳа мутахассислари

ОЛТИН ДАВРНИНГ ОНЛАРИ

Хотира - муқаддас

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Институтимизда узок йиллар меҳнат килган олим Дадаш Ҳасан ўли Багишин хотирасига багишилаб 25-26 май кунлари Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Илмий-амалий анжуманинг институт ректори, профессор О. Дўсматов кириш сўзи билан очди.

Доцент Д. Багишиннинг хаёт йўли ва илмий-педагогик фаолияти тўғрисида хорижий тиллар факультетининг кафедра мудири, профессор М. Холбеков мъарузаларни килди.


Анжуманда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Караби, Гулистан шаҳарларидағи олий ўкув юртларидан ташриф буюрган олимларниң илмий мъарузаларида

хозирги замон хорижий тилшунослик ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари мухокама қилинди.

Ялпи мажлисдан сўнг анжуман катнашчилари иккита шульбага бўлиниб ишлади-лар, элликдан зиёд мъарузалар тингланда ва мухокама қилинди. Шунингдек, анжуман машгулутлари институтимиз Ахборот-ресурс марказида ҳам давом эттирилди.

Турли олий ўкув юртларидан ташриф буюрган олимлар институтимиздаги ўкувамалиёт жараёнлари, талабаларга яратиб берилган шарт-шароитлар ҳамда илмий ишларнинг кўлами билан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

Г.АХМАДОВА.



Институтимиз талабаларининг илм ўрганишлари ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар мұхайё этилмоқда. Замонавий жиҳозлар билан безатилган ўкув хоналари, лабораториялар, спорт заллари ва ўйингоҳлар улар ихтиёрида.

Суратда: кимё-экология йўналиши талабалари анорганик химия тўғарак машгулотида водороднинг олинишини тажрибада синаб кўрмоқдалар.

T. Турдиев сурати.

Ташриф

ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

Табиатшунослик факультетининг талабалари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг етук мутахассиси, биология фанлар доктори, профессор Очил Мавлонов билан учрашув ўтказилар. "Биологиянинг долзарб муаммолари ва уни ўқитишинг янги педагогик технологияси" мавзуси давра сұхбатининг бош мавзуси қилиб олинди.

Давра сұхбатини факультет декани, биология фанлар доктори, профессор X. Мавлонов очиб берди. Шунингдек, давра сұхбатда биология фанлари доктори, профессор У. Рахмонкулов, биология фанлари номзоди D. Имомова, катта ўқитувчи L. Санаева, ўқитувчилардан С. Шайматов, С. Мардиев, Ф. Раббимова, С. Мавлонова ва Н. Абдулаевалар иштирок этдилар.

Профессор O. Мавлонов талабаларимизга дарс машгулоти сифатида янги методика асосида саноқ ва занжир ўйинини ўтказди. У талабаларни қизиқтирган саволларига жавоб берди ва ўз навбатida ўзи ҳам талабаларга саволлар билан мурожаат қилиди. Давра сұхбатда биологиянинг долзарб муаммолари түғрисида сұхбат, мунозара, мұхокамалар бўлди ва илмий таҳлиллар, ечимлар, хуносалар хосил қилинди.

Устоз O. Мавлонов талабаларга келгуси ўқиши вишиларда мұваффақият тилади ва өздәликлар колдириди.

Шерзод НУРАЛИЕВ, биология ва инсон ҳаётиниң фаолияти хавфсизлиги йўналиши 102-гурух талабаси.

БОЛАЛАРНИ АСРАГАН - КЕЛАЖАКНИ АСРАЙДИ

Ана шу шиор остида ўтказилган шоу Халқаро болаларни ҳимоя килиш кунига багишиланди. Бу тадбир педагогика-психология, дефектология, мактабчагча таълим ва болалар спорти, мусиқа бўлими ташаббуси билан ўтказилди. Унга виляятдаги бир катор касб-хунар колледжлари ва мактабчагча таълим мусассасаларининг раҳбарлари таклиф этилди.

Бўлимнинг битирувчи курс талабалари - амалиётчилар ва 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби гимнастикаларининг, шунингдек, 7-сон "Дилбар" болалар боғчаси тарбия-ланувчиликнинг чиқиши, мусиқий таълим йўналиши ёшларининг "Кўғирчок театри" томошалари иштирокчиларда катта таассурот колдириди.

Ф.ТОШПҮЛАТОВА.

ШЕРГИЯТ ГУЛЛАШИ

МАҲБУБАНИНГ ҚАЛБ КЎЗЛАРИ

Маҳбубанинг шеърларини ўқиганингизда "бу қизинг шунчалик армонлари кўпши?" деган сабол туғилади, дастлаб. Аммо кейинчалик тўври хулоса чиқарасиз: шеър қалб садоси, у юракдан чиқади. Маҳбуба кўзи ожизлар мактаб-интернатини ташомлаб, институтимизини ўзбек филологияси факультетига ўтишга кирди, унинг кўп шиллик орзулари рўёбга чиқди.

Маҳбуба ўқий билан бирга ижодни ҳам давом этишироқда. "Зиё чашмаси"нинг буғунчи сонида сизни Маҳбубанинг ижод намуналаридан баҳраманд этишини лозим топдик. Айни пайтда таълабалашга ижодий шубаффакиятлар тилаб қоламиш.

ШУКУР ҚИЛАМАН

Дунёни ёрқинрок кўролмасамда, Йўлларимда равон юролмасамда, Ёшликининг гул гаштини суролмасамда, Яшаб турганинг шукур қиласман.

Дилимда оҳларим бисёр бўлсада, Устимдан ўзгалар тинмай кулсада, Ногаҳон қалбимга гусса тўлсада,

Яшаб турганинг шукур қиласман. Душманим устимдан кулиб турса ҳам, Гоҳ улар таш отиб тұхмат килса ҳам.

Ҳақиқат йўлида толиб қолсан ҳам, Яшаб турганинг шукур қиласман.

Ҳасратлар қалбимга озор берса ҳам, Армонлар дастидан сизгин бўлсан ҳам, Беш кунлик дунёда ҳамиша, ҳар дам, Яшаб турганинг шукур қиласман.

ШИРИН СЎЗ КЕРАК

Кўзлардаги аччиқ ёшни тиймоққа, Фаразни унутиб, майнин иймоққа, Бешафқат дунёда ғамни енгмоққа, Фақатгина дўстлар, ширин сўз керак.

Инсонни фафлатдан фориг этиш-чун, Орзу-умидларга тезроқ этиш-чун, Дилдан ҳасрат, гумон тезда кетиш-чун, Фақатгина дўстлар, ширин сўз керак.

Тилак

АЛЛА АЙТИШ НАСИБ ЭТСИН

Бу шундай бир кўшиқки, уни хеч замонда хеч бир шоир ёзолмаган. Бахшилар тўқиб чиқаролмаган. Созандалар ўз мулки сифатида ўзлаштиrolмаган. Бу – жон билан бирга, қон билан бирга инсон ботинига сингиган кўшиқ. Уни ҳар бир юрак ўзича кўйлади. Бу кўшиқ ер юзида оналар қанча бўлса, рўйи заминда аёл зоти қанчалар ёйилган бўлса у шунчалар сочилиб кетган. Оҳангни ўзи билан ўнинг.

Кўзимни қораси сен,
Элминни қораси сен,
Жоним болам ухла,
Иймоним болам ухла,
Полвоним, ботирим,
Шоним болам ухла.
Қароримсан, кўзимсан,
Сўзим болам ухла.
Үйимдаги буғдойим,
Тузим, болам ухла.

Ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша тарбия йўриги бор. Фарзанд келажаги учун энг муҳими у туғилган кезлариданоқ кай йўсунда тарбия бермоқлинидир. Сут билан кирган нарса, жон билан чиқади дейишиди. Алла – аввало гўдакнинг борлигига маънавий озуқа сифатида сингади. Мана гап қаерда. Маънавий ёруғликдан баҳраманд бўлишининг илк дағъаси, бош бўғини ҳам алла билан боғлиқидир.

Келинг, ҳаммамизга таниш манзарани кўз олдимизга келтирайлик, Бешик, бешикда гўдак. Аёл бешикни табратиб, алла айтаяти. Бундан чиройли, бундан ҳам гўзал ҳолатни топиш қийин. Онанинг кўшиғидан бутун дунё чайкалиб айланётгандек. Айниқса бу кўриниш ҳалқимизнинг янга бир қадриятига муҳтасар ва таъсирили изоҳидир. Мен сўзимни муҳтасар Президентимиз И. Каримовнинг ажойиб сўзлари билан якунламоқчиман. "Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий рұх қиради. Она тилидаги меҳро-муҳаббат, наслий түйулар ва орзулар гўдакнинг жисму-жонида илдиз қолдиради".

Ҳа, алла – барҳаёт кўшиқ. Аллани асрайлар, у ҳаёт бардавомлиги, порлоқ келажак остонасида энг буюк орзуларни ўзида мужассам этган муқаддас кўшиқ эканлигини асло унумайлик. Қизларимиз-барча тенгдошларимга алла айтиш насиб этсин, деб тилак билдирамиз.

Лазиза ХАСАНБОЕВА,
Соҳиба СОЛИЕВА,
мақтабгача таълим ва болалар спорти
йўналиши 304-гурух талабалари

ZIYO CHASHMASI

МУАССИС:

Абдулла Кодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институти

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят
нұқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Бош мухаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 раками билан рўйхатта олинган.

Босишга топширилган
вақти – 19.00 Топширилди – 18.00
Навбатчи: М. Абдулаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ
кўчаси, Абдулла Кодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика институти.

"Zamin Print" МЧЖ босмахонасида оғсет усулида 5600
нусхада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжой
кўчаси, 4-йи. Буюртма № 176. Shaki- A-3.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОТИРАСИГА БАФИШЛАБ

Мустақил бўлди фаровон юртим,
Ватаним тупргон кўзимга сурдим.
Сизга атаб ажойиб шеъримни битдим,
Доим қалбимдасиз ҳамид Олимжон.

Жиззах ўлқасида туғилган ўғлон,
Ортингизда колди Ҳулкар ва Омон.

Уларнинг қалбида яшайсиз ҳамон,

Сизни ёдга олдим Ҳамид Олимжон.

Сизни эсга оламан келганда баҳор,
Үрик гуллашида қандайин завқ бор.
Сеҳрлар ўзига гўзал, бетакрор,
Доим қалбимдасиз ҳамид Олимжон.

Бугун бўлдингиз дунёга достон,
Шеърларингиз севиб ўқийман ҳар он.
Фаҳрланса арзир бутун бир жаҳон,
Сизни ёдга олдим ҳамид Олимжон.

Дилдора ИНОМОВА,
ўзбек тили ва адабиёти йўналиши 105-гурух талабаси

ОИТСИЗ - КЕЛАЖАК САРИ

Асримизнинг балоси,

Оналарнинг ноласи,

Йўқдир унинг давоси,

СПИДга чалингнлар,

Гиёхванд нотавонлар.

Гиёхванд нотавонлар.

Она кутиб бўлар зор,

Бола ийғлар йўлда хор,

Қайдан битдинг дардисар?

СПИДга чалингнлар,

Гиёхванд нотавонлар.

Бандадан даво кутма,

Оллоҳ дардингни олсин,

Гуноҳсиз фарзандларинг,

Ўлмай орқангда қолсин.

СПИДга чалингнлар,

Гиёхванд нотавонлар.

Захри қотилин кел, кўй,

Соғлом ҳаёт чўзар бўй,

Келажакка сол назар,

Ўзингга берма озор,

СПИДга чалингнлар,

Гиёхванд нотавонлар.

Мунира АЗАМАТОВА,

мақтабгача таълим ва

болалар спорти йўналиши

106-гурух талабаси

«ГУЛИМ»га

Гул яшайди юрагимда бўрон билмас,

Орзуларнинг қанотида унган тилак.

Аччиқ армон санҷиқлари асло тилмас,

Гул жавҳар-у, жилолари тилла зирақ.

Келажақдан кулиб боқсан, эй икболим,

Пок нијатим олиб мангу кулақолгин.

Нафасим, наргизим, ниҳон гул-болим,

Кел, яшайлик, менинг ўзим бўлақолгин.

Юрак кенг уфқуларга ёйилиб кетса,

Ҳавога айланса бутун вужудим.

Қалб бориб ҳарорат – тилакка етса,

(Кеча осмонингда бир бор учувдим...)

Тўлсин қалб, йўғрилиб сенинг нурингга,

Зар азондан ўтиб оларидай тин.

Ҳарорат сингишиб сенинг рўйингга

Жило-ла сачрача турпроқда олтин...

Сабоҳат ЮЛДАШЕВА,
ўзбек тили ва адабиёти йўналиши
4-кур талабаси.

Июнь, 2010 йил

Бу жойдаги устамонлик ўзига хос тарзда

ишлатилган. Олимнинг пишгани, тор қў-

чага тушгани мавзусида киз боланинг

ҳолатига ишора-қилинаётган бўлса, тор

қўчнинг торлиги ва унда булбулнинг

зорлиги эса ошиқларнинг чиқолмай зор-

лиги пардали равишда, одоб доирасидан

чиқмаган ҳолда ифода этилмоқда.

Бошқа бир айтишувда эса хаддан ошган

ошиқларга жуда чиройли тарзда ўзига хос

таришиларга жуда чиройли тарзда